

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК: 657.6-051

ЖИЯНОВА НАРГИЗА ЭСАНБОВНА

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРИ МОЛИЯВИЙ
РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун
ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий маслаҳатчи: и.ф.д., проф. Карлибаева Р. Х.

Тошкент – 2025 йил

МУНДАРИЖА:

КИРИШ		4
I БОБ	ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ- АСОСЛАРИ	20
1.1-§	Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурслари тушунчалари ва таснифи	20
1.2-§	Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришни назарий тушунчалари	41
1.3-§	Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини ҳаёт цикли асосида бошқариш: назарий-методологик асослар	63
	Биринчи боб бўйича хулоса	83
II БОБ	ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	86
2.1-§	Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий таҳлил орқали бошқарувни самарали ташкил этиш тизимининг мазмуни	86
2.2-§	Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларни бошқаришнинг замонавий аналитик инструментлари	95
2.3-§	Молиявий ресурсларни бошқаришда замонавий таҳлилий инструментлар ва кўрсаткичлардан фойдаланиш орқали методик таъминотни такомиллаштириш йўналишлари	130
	Иккинчи боб бўйича хулоса	157
III БОБ	ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ	159
3.1-§	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ молиявий барқарорлиги ва ресурслар ҳолатининг комплекс таҳлили	159
3.2-§	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ мисолида молиявий ресурсларни бошқаришда аналитик дастаклардан фойдаланиш амалиёти	170
3.3-§	““Иссиқлик электр станциялари” АЖи молиявий ресурслар бошқарувининг иқтисодий самарадорлигини эконометрик баҳолаш	190
	Учинчи боб бўйича хулоса	198
IV БОБ	ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	200
4.1-§	Хўжалик юритувчи субъектларда дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини самарали бошқариш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари	200
4.2-§		215

4.3-§	Рақамли молия ресурсларини бошқариш стратегиялари:	231
	трендлар ва истиқболлар	
	Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини	
	бошқариш методологиясини такомиллаштиришнинг	
	истиқболли йўналишлари	
	Тўртинчи боб бўйича хулоса	239
	ХУЛОСА	241
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	245
	ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг тез ўзгарувчан шароитида хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини малакали бошқариш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Мавжуд молиявий ресурслар ҳақида тизимли ва тўлиқ ишончли маълумотга эга бўлмаса, хўжалик юритувчи субъектлар ўз активларининг 20 фоиз гача йўқотиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар дебиторлик қарзларининг умумий миқдори 2023 йил якуни бўйича 271501,7 млрд.сўм бўлиб, шу жумладан муддати ўтган дебиторлик қарзлар 15516,2 млрд.сўм бўлиб, 2022 йилга нисбатан 2,3 баробарга ошган ёки умумий кўрсаткичнинг 5,7 фоизини ташкил қилади. Кредиторлик қарздорликнинг умумий миқдори эса 2023 йил якуни бўйича 296541,4 млрд сўм бўлиб, муддати ўтган кредиторлик қарздорлик 2022 йилга нисбатан 1,2 мартага ошган ва 8587,6 млрд сўмни ташкил этди. Турли ташкилий ҳуқуқий шаклга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурслардан фойдаланиш муаммолари мавжуд, шу жумладан уларни бошқариш, яъни, ўз айланма маблағлари билан таъминланишнинг паст даражадалиги, тўлов қобилияти ва ишбилармонлик фаоллигинининг етарли даражада эмаслиги ва хоказо. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ташқи манбалардан, яъни узоқ муддатли кредитлар олиш жараёнларининг мураккаблашуви шароитида ички молиявий салоҳиятни ошириш муаммоси янада кескинлашиб бораёпти. Капитал тузилмасини оптималлаштирмайдиган, пул оқимлари, дебиторлар, кредиторлар ва давлат билан ҳисоб-китобларни кузатмайдиган, харажатларнинг хўжалик ҳисобини ташкил қилмайдиган, жорий, молиявий ва инвестицион фаолиятини таҳлил қилмайдиган, деталли молиявий прогнозлар ва бюджетлар тузмайдиган хўжалик юритувчи субъектларда арзон ва қулай ташқи молиялаштириш манбаларидан фойдалана олмаслик хавф-хатарлари юзага келади.

Жаҳон иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқариш глобал ноаниқликнинг доимий ўсиши шароитида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг сўнгги мавжуд прогнозларига кўра, 2024 йилда жаҳон ЯИМи тахминан 3,0–3,2 фоизга ўсиши кутилмоқда¹. Шу билан бирга, АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи мамлакатлари каби етакчи иқтисодиётлар бир қанча турли йўналишдаги тамойилларга, жумладан, хизматлар соҳаси ва юқори технологиялар тармоқларида ўртача ўсиш, саноат ишлаб чиқаришининг сусайиши, хом ашё бозорларида сақланиб келаётган ноустуворлик, бир қатор мамлакатларда молиялаштиришга эришишни қийинлаштираётган юқори фоиз ставкалари дуч келмоқда, Қўшимча равишда, Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, ҳар йили 20 фоизга яқин кичик ва ўрта бизнес нотўғри молиявий бошқарув туфайли фаолиятини тўхтатади.² Жаҳондаги хўжалик субъектларининг қарздорлик миқдори ортиб бормоқда, бу молиявий барқарорликни бошқариш заруратини оширади. Халқаро валюта жамғармасининг (IMF) 2023 йил ҳисоботида таъкидланишича, жаҳондаги хўжалик юритувчи субъектлар қарздорлиги ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 90 фоиздан ошиб кетган ва молиявий ресурсларнинг самарали бошқарилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини 25 фоизга оширади. Ушбу жиҳатлар замонавий иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришнинг аҳамиятини янада кучайтиради.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқаришнинг замонавий усуллари жорий этишда молия-хўжалик фаолияти хусусиятлари янада чуқурроқ ўрганиш, молиявий ҳолатини яхшилашнинг муҳим жиҳатлари сифатида айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш асосида кредиторлик мажбуриятларини ва дебиторлик қарзларини камайтириш

¹ International Monetary Fund (2023). *World Economic Outlook Update, October 2023*. Washington, DC: IMF. <https://www.imf.org/en/Publications/WEO>

² The World Bank (2023). *Global Economic Prospects, June 2023*. Washington, DC: World Bank, <https://www.worldbank.org/en/publication/global-economic-prospects>.

тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида³ «...Саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 25 фоиздан 32 фоизга етказиш, қайта ишлаш саноатида меҳнат унумдорлигини 2 баробар ошириш. саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллионта юқори даромадли иш ўринларини яратиш., йирик хўжалик юритувчи субъектлар томонидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ҳудудий хўжалик юритувчи субъектлар билан кооперация алоқаларини кенгайтириш» каби вазифаси белгиланган.

Мазкур вазифа ижросини таъминлашда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларни самарали бошқариш ва илмий асосланган қарорлар қабул қилишда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ресурсларини замонавий бошқариш моделини ишлаб чиқишга имкон берувчи тизимли ёндашув зарурияти юзага келди. Ушбу модел молиявий ресурсларни самарали шакллантириш ва тақсимлашга қаратилган бўлиб, нафақат максимал фойда олиш ва инвестиция жозибадорлигини оширишга ёрдам беради. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлайдиган такомиллашган баҳолаш мезонларини тадқиқ қилишда замонавий ёндашувлар ва рақамли иқтисодиёт талаблари асосида такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқариш тизими ҳаёт цикли(келиб чиқиши, ўсиш, етуклик ва қариш)нинг молиявий хусусиятлари ва молиявий сиёсатни шакллантиришнинг молиявий хусусияларига асосланган ҳолда ташкил қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларни

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон Фармони

бошқариш методологиясини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида аналитик таъминлаш тизимини қўллаш яъни илмий ёндашувлар ва концепциялар асосида молиявий ресурслар ҳаракатининг аниқ мақсад билан бирлаштирилган аналитик кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш мезонларини шакллантириш билан боғлиқ масалалар борасида илмий тадқиқотлар етарлича очиб берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 9 сентябрдаги ПФ-158-сонли ««Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги, 2021-йил 13-апрелдаги ПФ-6207-сонли «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020-йил 27-октябрдаги ПФ-6096-сонли «Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2015-йил 24-апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, **2023 йил 6 июлдаги [ПФ-108](#)-сонли “Маъмурий ислохотлар доирасида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги ПҚ-39-сонли «Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги, 2021-йил 29-мартдаги 166-сонли «2021-2025-йилларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020-йил 9-декабрдаги 775-сонли «Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия **вазирининг 2024****

йил 8 октябрдаги 181-сонли «Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» [буйруғи](#) ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқариш методологиясини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий тадқиқотлар халқаро ташкилотлар, жаҳондаги етакчи университет ва марказлар томонидан амалга оширилмоқда, жумладан, Harvard Business School, MIT Sloan School of Management (АҚШ), Yale University, University of California, Columbia University, World Bank, IMF, New York University, University of Chicago, Financial Management Association (АҚШ), [University of Cambridge](#), University of Greenwich, Лондонская школа экономики и политических наук (LSE), London school of Economics (Буюк Британия), Сингапурский национальный университет (NUS Business School), McKinsey Global Institute (Франция), Центр финансовых исследований (Center for Financial Studies, Германия), All-Russian Public Organization Russian Club of Financial Directors (Россия), McKinsey & Company, Institute of Finance and Commodity Markets (Германия), KU Leuven (Белгия), Корпоратив молия институти (Corporate Finance Institute, CFI) (Германия), Тошкент давлат